

Ажва — қандай хурмо?



17:23 / 04.06.2021 13760

Мадина – хурмолари билан машҳур шаҳар. Мадина хурмолари ичида энг афзали «Ажва» хурмосидир. Ажва хурмоси ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўп ривоятлар ворид бўлган. У жаннат меваларидан, унда шифо бор, ким етти дона ажва хурмосидан еса, унга сеҳр таъсир қилмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шахсан ўзлари муборак қўллари билан Мадинада ана ўша ажва хурмосини экканлар.

Омир ибн Саъд розияллоҳу анҳудан, унинг отасидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким (оч қоринга) эрталаб ажвадан етти дона еса, ўша куни унга заҳар ҳам, сеҳр ҳам зарар қилмайди», дедилар».

Учовлари ва Насоий ривоят қилганлар

Саъд розияллоҳу анҳу айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким ҳар куни тонгда еттита ажва хурмо еса, ўша куни унга заҳар ҳам, сеҳр ҳам зарар қилмайди», деганларини эшитдим».

Ажва – энг сифатли хурмо навларидан бўлиб, меваси кичикроқ, қорамтир, шираси мўътадил бўлади. У асосан Мадинаи Мунавварада етиштирилади. Ҳозир ҳам унинг қиймати баланд. Унинг заҳар ва сеҳрни кесиш хусусиятига эгаллиги бугун қатор илмий тадқиқотларда тасдиқланмоқда.